

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**АХБОРОТ ХАТИ**

Тошкент давлат шарқшунослик институтида **2017 йил 11 май** куни “**Мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини оширишнинг инновацион жиҳатлари: хориж тажрибаси, замонавий тенденциялар, устувор йўналишлари**” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси ўтказилади. Сиз раҳбарлик қилаётган таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим изланувчилари, мустақил изланувчилари, магистрантлар ва соҳа мутахассисларини конференцияда ўз маърузалари билан иштирок этишга таклиф этамиз.

**Конференцияда қуйидаги шўъбалар фаолият кўрсатади:**

**1-шўъба:** Глобаллашув шароитида мамлакатлар жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг илмий-назарий асослари.

**2-шўъба:** Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда ташқи иқтисодий фаолиятнинг инновацион омиллари.

**3-шўъба:** Хорижий мамлакатларда ташқи иқтисодий сиёсат хусусиятлари ва замонавий ривожланиш тенденциялари.

**4-шўъба:** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш ва инновацион бизнес инфратузилмасини шакллантириш.

**5-шўъба:** Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолият соҳасида кадрлар тайёрлаш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, хорижий инвестициялар самарадорлигини ошириш муаммолари.

Конференцияда иштирок этиш учун мақолалар секция йўналишларида кўрсатилган муаммолар доирасида ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади.

Мақолалар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: материаллар 4–6 бет ҳажмда, 1 интервалда, (чапдан 3 см, юқоридан 2,0 см, қуйидан 2,0 см, ўнгдан 1,5 см) компьютернинг Microsoft Word муҳаррири, Times New Roman дастурида 14 ўлчамли шрифтда ёзилиши; сарлавҳалар бош ҳарфларда, ундан 3 интервалдан сўнг муаллифнинг исми ва фамилияси тўлиқ, илмий унвони ва илмий даражаси, иш жойи (корхона, бўлим, кафедра номи) ва эгаллаган лавозими келтирилади. Маърузаларда манбаларга ҳавола (сноска) кўрсатилиши шарт.

Конференция мақолалари алоҳида китоб шаклида нашр қилиниши режалаштирилган. Тўлов қиймати - ҳар саҳифа учун 8000 сўм.

Анжуман тили: ўзбек, рус ва инглиз тиллари. Қўшимча равишда ҳаммуаллифлик мақолалари билан ҳам иштирок этиш мумкин.

Мақолалар қоғоз ва электрон шаклларда **2017 йил 5 апрелга қадар** ташкилий қўмига топширилиши сўралади (тўлов қиймати билан).

Юқоридаги талабларга жавоб бермаган ва кўрсатилган муддатда тақдим этилмаган мақолалар тўпламга киритилмайди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16. Мўлжал: метронинг “Ойбек бекати”. Мурожаат учун тел: (99871) 252-65-83. E-mail: [oto.iqtisod@mail.ru](mailto:oto.iqtisod@mail.ru)